



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 24-iyul №30 (4325)

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

Биз мустақиллик даврида яшаймиз. Йигирма тўрт йилдан бери — салкам чорак асрдан буён шу кутлуг санани интизорлик билан, орзу-умидлару ҳаяжонлар орзиқишида кутамиз. Ҳаётимизда бошқа кутлуг саналар ҳам талайгина, лекин бу — алоҳида, буниси ўзгача. Фикрлайдиган одамни, онги уйғоқ, қалби бедор инсонни ўйлантирадиган, ўз ҳаёти, одамли-лик бурчи, жамият ҳаётидаги ўрни билан фуқаролик масъулиятини яна бир мартаба астойдил англайдиган, ўйлатадиган, ўз кўзгусига солиб, кимлигини, нимагини қайта бошдан идрок этишга ундайдиган талабчан, синчков ва айна пайтда беҳад садодатли сана.

Ҳаёт нафаси

Биз мустақиллик замида яшаймиз. Ва ҳар йили Истиқлолимизнинг навбатдаги санасига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги қарорини сабрсизлик билан, фақат ўзимиз англайдиган, фақат ўзимизгагина маълум ва аён завқу ҳаяжонлар, орзиқиш ва соғинчлар билан мунтазир бўламиз. Бу улугвор сана яқинлашгани сайин Президентимиз ватандошларимиз билан учрашувларда ҳар гал, бот-бот тилга оладиган, жумладан, йигирма

тўрт йиллик сана муносабати билан яна бир мартаба таъкидлаб ўтилган "Ким эдигу ким бўлдиқ", деган муборак сўзлар, асрий орзу-армонларимиз, миллатимиз чеккан ранжу ситамлару қаттол ва мустабид даврларнинг барча зўравонликларини, бугунги озод ва эркин замонамиз, ғурур ва ифтихоримизни ўзида мужассам этган бу турмаёна ва залворли ҳикмат қаршида ҳар биримиз ўзимизни яна бир бор имтиҳон қилмоғимиз, ким бўлганимизни, энг аввало, ўзимизга ўзимиз англамоғимиз зарур ва муҳим.

Ким эдигу ким бўлдиқ.

Халқимиз, миллатимиз салкам бир ярим аср давомида икки мустабид тузумни бошидан, жон-жонидан ўтказди. Ҳар иккала-си ҳам — биринчиси иккинчисидан, иккинчиси биринчисидан қолишмайдиган, қаттол ва муғомбир, маккор ва муттаҳам тузумлар. Салкам 130 йил давомида бу тузумлар фақат миллатнинг томири ва бошига — ўзлиги билан онгу тафаккурига болта уриб келди. ...Эгил, деди, фақат эгил, сенлар бош кўтариб юрмоққа, кўкармоққа, бўй чўзмоққа ҳақинг йўқ, этигининг пошналари билан халқнинг бўйни-елкаси-дан босиб, эгил деди, фақат эгил!..

Демакким, биз, биринчи навбатда, қаддимизни тикладик. Биз одам бўлдиқ, инсон ва миллат бўлдиқ.

Дунё нотинч, олам қалқиб турибди. Яратганга шукур, жаҳон саҳнида бизни қўлла-гувчи, бизнинг обрў-эътиборимизни тан олувчи, эътироф этувчи оққунгил дўсту ёрларимиз кўп. Ёмон кўзлар ҳам қараб тургани йўқ. Давлатлар, мамлакатлар ёру ошнолик қилганда, разолат ва қора кучларнинг чекинмоғи ҳам бор гал.

Бироқ оламда одамзод лоқайдлигию бепарволигидан ҳам ёмонроқ ва хавфлироқ душман йўқ.

Ким эдигу ким бўлдиқ деган — Истиқлол давримизнинг яна бир улуг ҳикмати ва талабига айланган сўзлар қаршида, халқимиз, Ватанимиз, ўз тақдиримиз ва қамолимиз, фарзандларимиз бахти олдида бефарқ бўлмайлик.

Бизда — орзулар мўл, кўнглимиз тўқдир, Охири ағлаб етди инсоният ҳам. Кимда орзу бору имкони йўқдир, Бизда орзу ҳам бор, имконият ҳам.

Тахририят.

2-5

ЖОНАЖОН ДИЁР

Ифтихор

Дунёда топилмас сен каби бўстон,
Гулшан қучоғингда халқлар бахтиёр.
Сен онам, сен менга мўтабар макон,
Азиз Ўзбекистон, жонажон диёр.

Кўхна Осиёнинг нақд ўртасинда
Саҳронг бор, дарёнг бор, бойлигинг бисёр.
Тотувлик, дўстлик ва тинчлик бор сенда,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Бугун мустақилсан, озод кўнгулсан,
Дунёда очилган бир ажиб гулсан,
Тарихинг ким неча минг йиллик элсан,
Ўзбекистон — онам, жонажон диёр.

Дарёларинг Аму, Сир билан эгиз,
Тоғларинг пурвиқор, даштларинг чексиз,
Чиройинг кўркемдир, жамолинг тенгсиз,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Осмонда байроғинг юксалган замон
Сенга ҳавас билан боқади жаҳон.
Менга ифтихордир бу давру даврон,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Гербингни безайди тилсимли Ҳумой,
Байроғингда порлар юлдуз билан ой,
Бахту давлатингни қўллағай Худой,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Бепоеъ ястаниб ётар эллари,
Қорақалпоқ-Устюрт, Сурхон чўллари,
Шаҳру вилоятлар бир бог гуллари,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Номинг яйраганда ғоз бўлиб турдим,
Қишлоқларни кездим, кентларда юрдим,
Мангу ошиғингман, кўз очиб кўрдим,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Доно сорбонинг бор, толмағай қарвон,
Истиқлол гоёси халққа соябон,
Шукрим ушадди минг йиллик армон,
Ўзбекистон — Ватан, жонажон диёр.

Кенесбой КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ОЗОД СЎЗ САОДАТИ

Ҳар жабҳада эришган ютуқларимиз тарихий қарорда дастурий йўналишда кўрсатиб берилган бўлса-да, биз адабиётшунослар ҳеч бўлмаса тор доирада илмимиз эришган соҳаларни сарҳисоб қила оламиз. Истиқлол даврида, шўро сиёсатининг бир неча қатагон ва оммавий қатллардан кейин ҳам халқ қалбида эъзоз топиб сақлаб қолинган жаҳид адабиётини тўла тиклашга имконият туғилгани тўғрисида ҳаққонане қарор берган адаблар мероси тўла халққа етказилди. Бу ўринда биргина "Истиқлол қарамонлари" руқини эсга олиш мумкин. Уларнинг сермахсул ва бой адабий мероси ўз илмий тадқиқини топди.

— Жаҳон ҳамжамиятида яшашга ҳақли ҳар бир миллат дунё тамаддунига ўз тили, адабиёти — маънавияти билан кириб келади. Тил, адабиёт ва бошқа маънавий қадриятларнинг юксалиши учун эса мустақил давлат, озод мамлакат замин бўла олади. Она юрт ва миллат Истиқлолининг 24 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ундан бош мақсад биргина байрам тадбирларини белгилаш эмас, балки ҳар бир йили келажакка пойдевор бўлиб қўйилаётган Ватан

истиқболини белгилаб берган йилларни сарҳисоб қилиш, келажакда бажариладиган улугвор ишларимизни режалашдан иборат.

Мустақиллик орзуси, айниқса, адабиёт учун бош мавзу бўлиб, миллий адабиёт бунга интилиб яшагани маънавиятимиз тарихидан маълум. Жаҳон тамаддуни бешигини тебратган улуг алломаю адибларни дунёга етиштириб, уларни тилга ола билмай, буюк хизматларини қадрлашга имкон бермаган шўро даври қатағонлари ҳали хотирадан кўтарилгани йўқ. "Халқим улуг зотларни бергансану дунёга, Зар қозога ишқибоз мурғдай устин ёлгансан" дея шоирларимизнинг ўртанганлари бежиз эмас эди. Дафинаи ганжимизни еслатишгани учун эмас, мустақилликка эришганимиз тўғрисида қайта топганимиз ва буюк нозматни эъзозлаб, асрлар давомида келажакка етказиш мажбурияти, айниқса, зиёлиларимизда масъуллик ҳиссини оширади. Мустақиллик адибларга миллий сўз салмоғини англашга, унинг келажаги учун асқотарли жиҳатларни адабиётга олиб киришга имконият яратиб берди. "Чекланган мавзу", "мумкин эмас" каби тўсиқлар барҳам топиб, озод сўз мустақиллик йўлига чиққанига ҳам, мана, салкам чорак аср бўлди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

"ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб, она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улугвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги энг яхши асарларнинг "ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!" V Республика танловини эълон қилади.

Танловга 2014 йилнинг 1 августидан 2015 йилнинг 1 августига қадар республикамиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадий — публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда замондошларимизнинг "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним" шiori остида фидокорона меҳнатлари, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод қамоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тарафдор этилиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а бино. Телефонлар: 227-08-27, 227-08-30) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимлари орқали 2015 йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИЖОДИЙ ИШЛАРГА ҚУЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:

— муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг паспорти нусхаси;
— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

► Битта биринчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорида;

► Иккита иккинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида;

► Учта учинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида;

► Бешта рағбатлантирувчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

■ Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ,
АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

ОНА ЮРТ ТАРОВАТИ

Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”**ги қарориди **“Халқимиз асрлар давомида интилиб ўшган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадри-қиммати теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айна вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислохотларимиз, кўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни аниқлаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш”** ҳақида айтилган сўзлар ижодкор сифатида зиммамга катта масъулият юклайди, айна пайтда янги асарлар учун илҳом беради. Қарор билан танишиш жараёнида Мустақиллик ато этган улуг неъматлар учун шукроналик ҳис-ҳаяжони кўнглимни чулғаб олди. Мамлакатимиздаги улуг ўзгаришлар манзаралари кўз ўнгидан ўта бошлади.

Ҳар қандай давр, ҳар қандай мамлакат ё эл пойтахтининг кўрки, ободлиги, кўчаларининг саришталлиги, йўлларининг равонлиги, одамларнинг уй-жойини озода тутиши нафақат ўша шаҳарнинг, балки бутун юртининг иқтисодий куч-қуввати ва маданияти даражасини кўрсатиши ҳаммага маълум. Шунинг учундир, кейинги пайтларда бобоқлонимиз Амир Темурнинг «Биз-

нинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлган киши биз бунёд қилган иморатларга боқсин», деган гапи пойтахтимиз марказини ҳар айлаиб чиққанимизда ёдга келаверилади.

Кўз олдимишга бир келтириб кўрайлик. Нукус шаҳрини реконструкциялаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича қабул қилинган чора-тадбир учун 2014–2016 йилларда 626 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиши мўлжалланган. Шаҳардаги эски, замонавий меъморчилик талабларига жавоб бермайдиган 994 (!) уй ва 1253 та турли қурilmалар бузилиб, биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган, ҳар бири тўрт қаватли, замонавий қиёфага эга, сўнгги технология бўйича ички ва ташқи коммуникацияга уланган 54 та турар-жой биноси бунёд этиш белгиланган.

Нукус шаҳри яқин орада шу қадар ўзгаради, деб ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди. Эски шаҳардаги ун комбинати ўрнида қурилган 58 квартиралар «Қамолот» уйлари, Нукус санъат музейининг янги, ажойиб меъморий кўринишдаги иккала биноси ва унга уйғун ён-атрофи, айниқса, Тўлепберг Қайипбергандон кўчасидаги мухташам кўп қаватли шинам уйлар, «Юлдуз» бинога айланган ун қаватли «Тошкент» меҳмонхонаси, «Ёшлар саройи» дея ном олиб, шаҳримизнинг энг гўзал биносига айланган собиқ «Тошкент» ресторани, Ўзбекистонимизнинг ўн икки вилояти ва Тошкент шаҳридаги ҳар бири Марказий Осиёнинг меъморий обидалари ҳисобланган ўн учта тарихий ёдгорликнинг асидан ўн марта кичрайтирилган макетлари билан безалган «Болалар боғи» — булар бар-

часи истиқлолимиз шарофатидан. Ўтган йили Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган вилоятлараро семинар пайтида Американинг Нью-Йорк университетида келган ёш олим билан суҳбатлашганим. Гап орасида мен ундан: «Профессор Пэтрик Морвиж жаноблари омонми, саломатлиги яхшими?», деб сўрадим. У ҳайрон қолганидан кўзлари яшнаб кетди.

— Профессорни қаердан танийсиз? — Матбуотда чиққан мақолалари ва Тошкентга ҳар келаганида қилган суҳбатлари орқали, — дедим мен.

2009 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда Президентимиз И.А.Каримов: **«Бутун дунё молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари»** мавзусида улкан маъруза қилди. Конференцияда қатнашган таниқли иқтисодчи, Нью-Йорк университети профессори П.Морвиж матбуотга берган суҳбатиди: «Либерал иқтисодчи экспертлар илгари Ўзбекистонни саноат ривожини мамлакат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати учун (яъни «Мамлакат бош ислохотчи» дейилган тамойилини кўзда тутмоқда — **Ш.У.**) танқид қилишарди.

Бироқ 1929 — 1933 йиллардаги катта (иқтисодий — **Ш.У.**) депрессиядан сўнг биринчи марта юз берган бугунги чуқур иқтисодий инқироз даврида ушбу сиёсатни қўллаб мамлакатлар қўллашга интилишмоқда», деган эди. Профессор ундан кейин ҳам Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияларда ҳар сафар қатнашганида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш босқичларига жуда юқори баҳо бериб келмоқда.

— Мен ўша конференция материал-

лари билан танишганман, — дейди меҳмон. — Чиндан ҳам, мамлакатингизда ҳар йили барқарор ўсиш суръатлари сақланмоқда. Ер юзини қоплаган ўша инқироздан сўнг 2010 йили Ўзбекистонда фақат қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 7630 та уй қурилганига ҳайрон қолганман. Ростини айтсам, дунё бўйича йирик саноат қурилишларига кўп йиллик кредитлар берилади, бироқ Ўзбекистондагидек турар-жой учун 15 йиллик кредит берадиган мамлакат кўп эмасдир. Масалан, мен бошқа шундай мамлакатни билмайман. «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистонда банк тизимининг ривожланиш истиқболлиги «Барқарор» дея баҳолади. Банкларингиз фақат 25 фоизини тўлаши, қолганига 15 йиллик кредит берилиши учун қанча харажат керак?! Нью-Йорк олим ҳайрон қолган ипотека турар-жойлари ҳақида-чи, ўйлаб кўрдикми?

Бизда 2014 йилда қишлоқ жойларда каттагина ери бўлган 627 уйнинг қилинган эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда ана шундай 650 та турар-жой қуриш режалаштирилган. Йилдан йилга Ватанимиз иқтисодий қудрати ортиб бораётганидан қалбда ифтихор туйғуси жўш уради.

Шароф УСНАТДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Қорақалпоғистон бўлими
Кенгаши раиси

сини ривожлантириш билан боғлиқ қарорлари асосида амалга оширилаётган ишлар ҳам қувончлидир. Питнак шаҳрида ишлаб чиқарилаётган “Дамас”, “Орландо” русумли енгил автомобиллар бугунги кунда чет элларга ҳам экспорт қилинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда.

“Очиқ осмон остидаги музей”, дея эътироф этилган Хива дунё сайёҳлари нигоҳидаги шаҳар. Мустақиллик йилларида Ичан қалъадаги Қўна Арк, Тош ҳовли, Жомъе масжиди, Пахлавои Маҳмуд мақбараси, Ислохўжа минораси, Феруз ва Оллоқхўжа мадрасалари каби кўплаб тарихий иморатлар қайта таъмирланди. Хиванинг 2500 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги байрам сифатида кенг нишонланганлиги маданият ва маънавиятга берилаётган эътибор натижасидир.

Бугунги кунда сайёҳлар 130 дан зиёд ёдгорликлар, 20 га яқин музейларни завқ билан томоша қилаётдилар. Музейлар, меҳмонхоналар сони йил сайин ошмоқда. Айни кунда 40 дан зиёд меҳмонхона хизмат қилмоқда, янгидан 8 та хусусий меҳмонхона бунёд этилмоқда.

Айни кунларда Ичан қалъа ва Дешон қалъа деворлари, улардаги дарвозалар, Отажон тўра мадрасаси, Нуруллабод саройи мажмуасида таъмирлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Улар учун 1 миллиард 600 минг сўм маблағ ажратилган.

Олтиминчинчи, етмишинчи йилларда ҳам янги бир гилам

НУРАФШОН КУНЛАР

Бугун халқимиз келажакка порлоқ умид билан боқаётгани шубҳасиз. Зеро, юртимизда амалга ошаётган юксалишлар, бунёдкорлик ишлари эртанги кунимиз нурафшонлигидан дарак бериб турибди.

Намангандаги бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётганини халқнинг кайфиятидан ҳам билса бўлади. Ҳар бир маҳалла, кўча янгича қиёфа касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, десам муболага бўлмайд.

Вилоят “Ёшлар маркази”, Алишер Навоий номидаги вилоят мусика ва драма театри, “Давлатобод” мавзесидаги деҳқон бозори, марказий бозор тубдан қайта таъмирланди, кенгайтирилди.

Шунингдек, Наманган аэропортида, кўп қаватли уйларнинг 578 тасида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилган бўлса, 496 тасини фасад қисми таъмирланди. Бобуршоҳ кўчасида 28 та коттеж уйлари қурилди. Марказий ва асосий кўчалардаги 1200 дан ортқ маиший хизмат шохбчаси миллий меъморчилик талаблари асосида қайта таъмирланди. 175 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳосига етказилди. “Навбахор” уйингоҳи замонавий талаблар асосида тўла қайта қурилди.

Ҳозирги кунда “UZChasys” қўшма корхонасида “Нексия” ва “Матиз” автомобиллари ёритиш тизими учун 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Наманган шаҳри ва барча туманлардаги маҳаллаларда мебель жиҳозлари тайёрлаш, чеварлик, чинни идишларга гул солиш, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, косиблик, маҳсидўзлик, темирчилик, тунуқасозлик билан шуғулланаётган оилалар сони йилдан йилга кўпайиб бораётди. Маҳаллаларда касаначилик кенг ривож топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган Ангрен-Поп темир йўли қурилиши мураккаблигига қарамай, тезкорлик билан давом эттирилаётганини кўриб қувондик. Бу ерда ишлаётган кўплаб замонавий, қудратли техникаларни санаб адоғига етмайди киши. Денгиз сатҳидан 2200 метр балинд Қамчиқ доғи орқали ўтган пўлат излардан поездлар юрадиган кунлар тобора яқинлашмоқда. 19 километр узунликдаги туннель битгач, бунёдкорлик ишлари ҳал қилувчи босқичга киради.

Янги йирик темир йўл қурилишида “Ўзбекистон темир йўллари” компаниясига қарашли Қўқондаги таъмир-қурилиш участкаси жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамоа аъзолари ҳозиргача “Темирйўлбод”, “Қўшминор”, “Поп-2” темирйўл бекатлари ва бошқа бир қатор объектлар барпо этишибди. Айни пайтда эса улар “Кон” бекати биносини битказиш арафасида.

Ҳадемай улкан ва пурвиқор тоғлар оралаб поездлар қатнай бошлайди. Ватанимиз куч-қудратини, салоҳиятини бутун жаҳонга кўз-кўз этадиган фараҳбахш кўнларга оз қолди.

Мустақиллик тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қирадиган улкан бунёдкорлик ишлари қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Бу юртимиздаги тинчлик, халқимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳилик, ҳамжихатлиқдир. Юртбошимизнинг халқимизга бўлган юксак ишончи ҳар биримизни нурли келажак сари чорлайверади.

Жамолiddин МУСЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Наманган вилоят бўлими раҳбари

хариб қилиш амримаҳол эди. Йўли тушиб Москвага ёки шу каби шаҳарларга борганлар ноёб совға сифатида олиб келишарди. Ҳозир қаранг, ҳамма нарса ўзимизда бисёр. Гиламнинг хилма-хили, замонавий мебелларни айтинг.

— Мустақиллик шарофатидан санъат қадр топди, қадимгилар айтганидек оққан дарё ана оқа бошлади, — дейди вилоят кўғирчоқ театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Давронбек Отабоев. — Шахсан Юртбошимиз ташаббуслари билан бугун янги-янгидек бола-лар мусика ва санъат мактаблари барпо этиляпти, ёш истеъдодлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланяпти. Вилоят кўғирчоқ театри айнан Хивада таъкил этилганининг ҳам рамзий маъноси бор. Негаки, энг машхур ҳофизлар, санъат намояндалари шу заминда туғилиб фаолият кўрсатганлар. Машхур Мадрахим Шерозий, Бола бахши, Хожикон ҳофиз,

Комилжон Отаниёзов каби машхур санъат арбоблари шу замин фарзандларидир.

Яратилган имкониятлардан фойдаланиб бугун жамоамиз билан элдошларимиз, уларнинг фарзандларига хизмат қилар эканмиз, устозларнинг хайрли анъаналарини давом эттираётганимиздан мамнунмиз. Жамоамиз ўз асарлари билан чет элларда ҳам ижодий сафарларда бўлаяпти. Томошаларимиздан баҳраманд бўлган хорижлик сайёҳлар ижодий ишларимиз билан қизиқмоқдалар.

Айни кунларда мазкур жамоа ўз асарлари билан Буюк Британияга ижодий сафарга отланаяпти. Кўғирчоқ театри учун яқин орада янги, замонавий, кўркам бино бунёд этиш кўзда тутилгани ҳам санъаткорларга кўрсатилаётган катта эътибордан далолатдир.

Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ВАТАН — ЭНГ ГЎЗАЛ ҚЎШИК

Она юрт осмонининг мусаффолиги, эл-юрт осойишталиги, дастурхонларнинг тўқинлиги ҳар қандай санъаткорнинг бахти, деб ўйлайман. Чунки тинч-фаровон юртгагина байраму тантаналар, тўй-ҳашамлар ва шўх-шодон куй-қўшиқлар ярашади. Санъат аҳлининг эзгу мақсади халқнинг яхши кунларида камарбаста бўлиш, одамларни яхшиликка, бунёдкорликка қорлашдир.

Айниқса, мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори санъатда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Президентимиз томонидан миллий эстрада санъати ривожига берилаётган юксак эътибор биз санъаткорларни янги ижодий марраларни эгаллашга қорлайди. Республикамизда янги ташкил этилган уч юздан ортқ санъат мактаблари, вилоятларда қурила-

ётган амфитеатрлар, концерт-томоша залларининг ўзиёқ ишлар кўламининг ниҳоятда кенглигидан далолат бериб турибди.

Куни-кеча матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқир эканман, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бор кўлами билан кўз ўнгимда намён бўлди.

Касбимиз тақозоси билан юртимизнинг деярли барча ҳудудларида бўламыз, одамлар билан ижодий мулоқотлар ўтказамиз. Учрашулардан бирида кеҳсароқ бир одам шундай деганди: “Сизлар ниҳоятда бахтли авлодсиз. Қайси ўқишга киришни, нима билан шуғулланишни истасангиз,

гулу гулзорлар, қад ростлаган кўркам иморатларни кўриб дили яйрайди. Айниқса, Урганч шаҳрини кесиб ўтган Шовот канал буйларини кезсангиз, қирғоқларидаги дам олиш масканлари, яшил майдонлар, спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш шохбчалари ҳамда тўлқинлар қанотида қайиқда сайр этиб юрган элдошларимизни кўриб завққа тўласиз, инсон қўли гул эканига яна бир бор амин бўласиз.

— Аввало, бугунги дорилон-

мон кунларга етказганига шукр, — дейди Урганч шаҳри “Гул-

зор” маҳалласида истиқомат қилаётган 85 ёшли халқ таълими фахрийси Раҳаббой ота Бекчанов. — Бу тараққиёт ва ободилар мустақиллик, қолангиз, муҳтарам Юртбошимизнинг меҳр ҳамда эътиборлари туғайли. Биз яшаётган маҳалла ҳам номига яраша гулзор бўляпти. Вилоят, шаҳар ҳокимлари бевосита маҳалламизда, хонадонларда бўлиб, суҳбатлашиб, муаммолар бўлса ўз вақтида ижодий ҳал қилиб берапти. Бу — инсон қадри балинд тутилаётганининг амалдаги ифодаси.

Президентимизнинг Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ошириш ҳамда сайёҳлик соҳа-

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМИ

Асрлар давомида сенга интилиб халқим,
Дунёда энг бебаҳо неъматдирсан, истиқлол.
Ўзинг қадр-қимматим, ўзинг беқиёс бахтим,
Кўзларимда порлаган шодлик — нурсан, истиқлол.

Темурбек бошлаб берган бунёдкорлик давоми —
Буюк ворис туғайли салтанатга қайтди шаън.
Муқаддас ислом дини, улуг аждодлар номи
Мустақил мамлакатда қадр тоилди қайтадан.

Мустабид замонларда сўз бошқа, амал бошқа,
Фалаж бемор мисоли ночор шаклу шамойил.
Бутун ўзбек модели тождек ярашиб бошга
Юксакларга қорлади беш ҳаётин тамойил.

Чорак аср муқаддам қорин тўйиб-тўймаган
Элнинг дастурхонида бугун жаннат таомин.
Кимса борми юртимнинг тўйларини суймаган?
Бу тўқинлик, тантана истиқлолнинг инъоми.

Эртатда ё тушда ҳам қўрилмаган кўп имкон —
Яна қанча-қанча мулк соҳибига мунтазир.

Эҳтиром

Кимки замон фарзанди — тадбиркор, ишбилармон
Кўрмоқ, яратмоқ азми мудом таҳсинга арзир.

Баракотнинг аввали — кексаларга эҳтиром,
Оилалар файзидир нуронийлар зиёси.
Оналарин бошида кўтарган миллат соғлом
Авлодлар иқболидан яшнаган ер-самоси.

Бу шундайин авлодки, ҳеч кимдан кам бўлмаган,
Мустақил сўзда собит, илму ҳунарда моҳир.
Забтидаги маррадан асло қўнгла тўлмаган,
Юртга умрбод содиқ, буюк ишларга қодир.

Тинчлик — равнақ гарови, дўстлик — олтин пойдевор,
Юз ўттиз миллат, элат — ҳамжиҳатлик шиори.
Яқин-йироқ қўшнлар ҳавас қилса ҳаққи бор:
Ўзбекистон бахт юрти — бахтиёрлар дёғри!

Қир-адир қуёшга қулочин кенг очган юрт,
Ҳар тунинг қалб ороми, ҳар кунинг янги дoston.
Гулла, ашна тоабат тангри меҳр сочган юрт,
Бетакорим, ягона, Ватаним — Ўзбекистон!

Азизбек АНВАР

ФАЙЗУ ФАРОФАТ

ОЗОД СЎЗ САОДАТИ

Бошланиш биринчи саҳифада.

"Диний мистика", "пантеизм" ва "таркидунёчилик" дея қора чиқиқ тортилган тасаввуф адабиётини холис ўрганишга киришилди ва бу соҳада Хожа Аҳмад Яссавийдан тортиб Азим Хожагача ўтган сўфиёна адабиётнинг асосий қисми қайта табдил қилиниб, ўз ворисларига қайтарилди. Бир томонлама қараш орқали айрим қисмлари юлиб олинди, айримлари тўлиқ инкор қилинган Алишер Навоий, Машраб сингари улуг шоирларимиз ижоди ҳар томонлама илмий холислик нуктаи назаридан ўрганилди. "Сарой аристократияси" дея қисиб қўйилган Хусайний, Бобур, Убайдий, Амирий сингари саройда яшаб ижод қилган шоирлар меҳроси тадқиқ этилиб, улар нафақат ўз меҳроҳўрлари — халқимизга, балки бутун дунёга намойиш этилди. Бу вазифаларни баҳариш бора-сида нафақат миллий адабиёт тарихини тадқиқ этиш, балки ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги ҳам янги босқичга кўтарилди.

XX аср ва замонавий адабиётни таҳлил ва талқин қилиш тўла илмий асосга қўрилди, унинг тараққиёт тамойилларини холис, мафқуравий таъйиқларсиз ўрганиш жаҳон методологиясида амал қилинаётган умумфилологик мақсадлар билан бирлаштирилди.

Мустақиллик даври нафақат ўз адабиётини, балки адабиётшунослигини ҳам яратди. Бу даврда илмга янги илмий концепциялар билан қўролланган, хорижий тилларни эгаллаб, бевосита бирламчи манбалар билан иш кўрадиган адабиётшуносл олимлар етишиб чиқдики, бунинг бош омилини фақат Истиқлолдагина кўриш мумкин. Шўро сиёсати халқлар зиммасига илган "шок терапияси", унинг таъзику чекловларидан қутула олган зиёлиларимиз "ўзбек модели" орқали янги-янги илмий-адабий уфқларни кашф этишига ишонши мумкин. Шу билан бирга Мустақиллик адибу олимлар олди-

га янги вазифалар қўйдики, уларни амалга оширишда шоиру ёзувчилар, драматург ва публицистлар, адабиётчи ва театршунослар баҳамжиҳат бўлиб иш кўришлари лозим. Илмий кадрлар тайёрлашнинг бир босқичли тизимга ўтиши, Ўзбекистонда яратилаётган илм-фан янгиликларининг дунёга чиқишига, жаҳон стандартлари талабида фан докторлари тайёрлашга кўмак бериши шубҳасиз.

Халқимиз Мустақиллик йилларида эришаётган ютуқларнинг бош омили Мустақиллик экани қарор-



да ўринли таъкидланганидек, "...биз қўлга қиритаётган натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганида"дир.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Метафора мураккаб, аниқроғи, қисқарган ўхшатишдир. Унда икки нарсаси ҳодисанинг қиёси янада интенсификация, янада қизиқарлироқдир. Метафора ўхшашлик асосида юзага келган эса-да, айрим жиҳатлари билан ўхшатишдан фарқ қилади. Хусусан, "ўхшатишда ҳамма вақт икки ёки уч компонент иштирок этиб, у хоҳлаганча кенгайиши мумкин бўлса, метафорада кўча маъно ташувчи бир компонентгина иштирок этади". (Хотамом Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. 308-бет).

Қизғин шундаки, метафорада нарсаси ёки унинг маънолари нафақат ўхшашлик, балки зидлик асосида ҳам мўъжасига қиришади. Зидлик ўхшашлик билан бир қаторда метафорани юзага келтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу жиҳати билан ҳам метафора қиёсий адабиётшунослик принциплариға яқин келади. Биз қўйида атоқли шоира Зулфия шеърятининг образлар системасига бир қур назар ташлаймиз. Бунда адабиётшуносликда деярли ўрганилмаган "Қўшиқ" шеърига эътибор қаратамиз.

"Мен..." ҳар бир шеър учун, агар таъбир жоиз бўлса, ўзига яраша истиоралар микроклимини яратиб, уни мавзунинг шу шеърдаги йўналиши, шу шеърдаги ҳиссий кайфият билан боғлашга интилан эдим". Бу Зулфиянинг шоир ва таржимон Александр Наумов билан қилган суҳбатидан айтган фикрлари.

Ушбу иқтибосдаги таянч тушунчалар: "истиоралар микроклими" ва "шеърдаги ҳиссий кайфият" нуктаи назаридан "Қўшиқ" шеърига назар ташласак. Шеър халқимизнинг қилқалам расоси Чингиз Аҳмадовга бағишланган бўлиб, ушбу зот ижоди тимсолида буюк ва суюқ мусаввирнинг қўйма поэтик образи яратилган.

Шеър поэтик ритми жиҳатидан бир-биридан фарқланувчи икки қисмдан иборат. Дастлабки уч банд "Гўзаллик ҳақида шеър ёзиш мушкул" деб бошланиб, бунда соҳир бўёқлар қаршисида ҳайратда қолган шоира ўз ожизлигини ошқора тан олади: "Қўймади ёзмоқча журъат қилгани, Сиздаги маҳорат, ёниқ мўйқалам!..". Лекин бу ижодий курашга чоғланган куч ожизлигидир.

Бу қисм шеърға қириш, яъни поэтик ахборот. Унинг вазифаси тайин: у шеърхонни кўтарилажак шеърини юксаликка тайёрлайди. Шеърнинг асл вужуди тўртинчи банддан бошланади. Шеърнинг ритми ҳам тамом ўзгаради:

Бутун ҳам қўшиққа соломмай ҳалакман,
Афтидан жодули Сиз қайда, мен қайда.
Заковат сеҳридан бир масту аластман,
Туйғусиз тош дил ҳам кайф топар бу майдан.

Кетди... Бу ёғи суюқ мусаввир чизган суратларнинг сўздаги суратлари чизила боради. Шу ердаги "Сиз қайда. Мен қайда" шеърнинг лейтмотиви бўлиб, у сал ўзгарган шаклда уч бор қайтланади ва шеърнинг алоҳида иқлими, микроклимини яратади.

"Сиз қайда, мен (биз) қайда" асар лейтмотиви сифатида ва ундаги қиёс принципи "Қўшиқ" шеърининг структур ва семантик қиёфасини белгилайди, ҳатто бошқаради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шеър ялпи қиёс асосида бунёд этилган.

Энди шеърдаги айрим мисра ва бандларни, ранг-тасвир суратга боққандек, кузатамиз:

Шафтоли ёноқда қотган ёш дўлини,
Қайноқ бир сукутда меҳрли киприк-ла тарайман.

Муаззам шеър, қўшиқ шундай яқунланади:

Тасанно, маҳлиё, ташаккур сўзларин ёзишга нур билан
О, суюқ мусаввир —
Биздайин қамини муҳлисда куч қайда,
Сиз қайда?

Шеърдаги субъект (шоира) ва объект (суратлар ва мусаввир) орасидаги қўзқараш муносабатиға разм солсак, бу пастдан тепага — Сиз қайда, мен ёки биз қайда — йўналганини кўрамиз. Бунинг устига, сурат баландда, томошабин пастда бўлади, одатда. Бу йўналиш шеър охиригача шундай қолгандек туюлади. Аммо бу ёлгон тасаввур. Муаллифнинг бадий нияти шундай поэтик ёлгонга асосланган. Лекин шеър тугаб, бироз тин олинган поэтик эврилиш, метаморфоза содир бўлади ва энди Сиз ва мен (биз) тенглашади; ҳар иккаласи юксак маснадга, суюқ мусаввир маснадиға кўтарилишади. Мардон камтарлик билан поэтик виқор бирлашиб, асарда олиймақом салобат, байрамона кайфиятни устувор қилади.

Ақсар шоирлар шеър орқали фикр юритишга интилишади. Зулфия фикр юритмайди, унинг шеърятда донишмандона фикрлар деярли йўқ. Шоира фикрга бефарқдек, уни четлаб ўтаётгандек туюлади. У ҳиссий манзаралар чизади, тизади, уларга ўз ички,

Бир асар шарҳи

Шафтоли ёноқда қотган ёш дўлини,
Қайноқ бир сукутда меҳрли киприк-ла тарайман.

Бундан олдинги мисра "Беш аср йўл ўтган жинсимга қарайман" бўлиб, шоира, лирик қаҳрамон ўз қўзқарашини, поэтик илғамини образлар силсиласида ифода қилади. Офтобда пишиб етилган шафтоли рангтасвирдаги гўзалнинг ёноғига қиёсланади, йўқ-йўқ, қиёсланмайди, балки қуёш нури билан ранг талашган шафтоли ва гўзалнинг ёноғи ёнма-ён қўйилганда икки нарсадан ягона қиёфа

ярылади: шафтоли яноқ. Лекин бу гўзал қиёфа бахтиёр эмас, у кўз ёш тўқмоқда. Дард шу қадар чўнғи, унинг моддий изҳори кўз ёш шиддат билан ерга энайдиган дўл қаби. Яна хато қилдик, дўл қаби эмас, айнан кўз ёш-дўлдир, яъни бунда кўз ёш ва дўл айни бир нарсадир. Бунинг устига бу кўз ёш — дўл шафтоли ёноқда қотган. Бу сўзнинг таъсир ва тасвир доирасини кузатайлик. Биз тасвирини кузатаётганимиз суратдаги гўзал қиёфаси эканини яна бир бор эслаймиз. Зеро, рангтасвир кўз ёш — дўлни ҳаракатсиз, статик тарзда чизиб, унга ички ҳаракат, жон бағишлайди. Кўз ёш ҳам, дўл ҳам одатда пастга энади. Бу эниш бизнинг онг-шууримиздаги қатъий тушунча. Тасвирда эса у ҳаракатсиз, қотган кабидир.

Иккинчи мисра олдинги мисрадаги тасвирга ҳиссий муносабатдир. Бу муносабат ҳам икки қисмдан иборат: 1) "қайноқ бир сукут..." — бу кузатувчининг статик, тургун ҳолати, лекин у ҳам унчалик тургун эмас, сукут ўз-ўзича тургун, лекин сукут қайноқ. Демак, ҳаракатда. 2) "... меҳрли киприк-ла тарайман". Бу энди ўзи яқунланаётган икки мисра, поэтик контекстнинг апофеози, тантанавор хотимаси, шоирона зарбдир. Киприк тарок эмас, у тараймайди. Лекин меҳрнинг кучи ила у гўзалнинг кўзёш — дўлига шу қадар меҳрвар текиладики, бунинг тарокнинг моддий тараш қувватидан қолшмайди. Энди юқорида айтганимиз киприк тарок эмас, деган фикрни рад этиб, бундай жозиб ҳолатда, меҳр жазбасида киприк-тарок ғамгусор қиёфани, "шафтоли ёноқда қотган ёш дўлини" нақд тарайди. Бошқа ҳолатда, яъни у гўзал ерда, ёнида бўлса эди, уни силарди, ўпарди, тавоб қиларди...

Андуҳга қоришган гўзаллик — икки қарра гўзалликдир, деб бежиз айтмайди улуғлар.

Мана сизга шоира ўз суҳбатидида кўзда тутган, шеърятда ажиб моҳирлик билан жорий этган поэтик алжабр, унинг хусусий, хос намунаси.

Яна шеърға қайтсак. Ундаги лейтмотив "Сиз қайда, биз қайда" формуласида сирдан "Сиз" қанчалик юксакка кўтарилиб, "биз" шунга муқобил тарзда пасайтирилса, поэтик ва лисоний парадоксни қарангки, "Биз" ҳам "Сиз" кўтарилган маснадга кўтарилиб бораверади. Тўғри-да, Сизнинг, асл санъатнинг буюклигини қалбан англаган, ўз ҳайратини ажиб сўзларда баён этган "Биз" (Мен) ҳам буюқдир, албатта.

"Қўшиқ" шеъри айнан гўзаллиқни англаш ҳақида. Бу англаш эса ялпи қиёс воситасида амалга ошади. Гўзаллик қаъридаги самовий қувват эса шеърнинг умрбоқийлигини, шохона салобатини таъмин этади.

Юқорида икки мисранинг бадий таҳлили шуни кўрсатадики, ўхшатиш, айниқса, метафора ушбу шеър ва умуман Зулфия шеърятининг етакчи тамойилларидан биридир. Шоира образлиликка поэтик алжабр дея таъриф берар экан, бу таъриф замирида образлиликнинг қон томиридан ўрин олган ялпи қиёс принципиға ҳам билвосита ишора бор. Ҳеч бир поэтик образ, тимсол қиёссыз тугилмайди. Шундай экан образ ботинидаги қиёснинг ранго-ранг товланишларини, нозикликларини илғаш ва мантиқ тилида баён қилиш, шубҳасиз, ҳар қандай бадий асарнинг маъно — эстетик қўламини кенгайтиради.

Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижодкорлар,

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

олимлар қатори шахсан мен учун ҳам юксак илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан. Айниқса, мазкур қарорни ўқиб, мамлакатимиз қўлга киритган ютуқларнинг туб моҳиятини англадим. Мумтоз адабиётимизни янада чуқур ўрганиш учун яратиб берилган имкониятлар ҳар бир тадқиқотчининг қучига қуч, ғайратига ғайрат қўшиши тайин. Зотан, қарорда белгиланганидек, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, кеча ким эдиғу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш илм ва ижод аҳлининг бирламчи вазифаларидандир.

Мустақиллик давридаги ижодий фаолиятимни энг сермаҳсул ва баракали йиллар, деб биламан. Алишер Навоий ижодини, Захириддин Бобур қолдирган ижодий меросни тўсқилсиз, эркин ижод шароитида тадқиқ этишга мўъссар бўлдим. Бобур ижодиға оид икки йирик монография чоп этирдим, 130 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп мақолалар эълон қилдим. Юр-

тимизда Мустақиллик барқарор бўлганда бундай ютуқларни фақат ора қилиш мумкин эди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда бутун дунё халқларини ҳайратга солмоқдаки, юқоридаги қарорда келтирилган далиллар кишида ифтихор тўйғусини оширади. Қарорда мамлакатимизда таълим со-

ҳасида олиб бораётган ишларимизнинг кейинги беш йилдаги сарҳисоби ҳақида сўз юритилар экан, келтирилган факт ва рақамлар ҳар биримизда катта умид уйғотади. Ёш авлод тақдири ишончли қўлда эканлигига, уларнинг меҳр ва муҳаббат қурғовида яшаш ва таълим олиши кафолатланганлигига ишонтаради.

Дарҳақиқат, таълим давлат томонидан бепул таъминланганлиги мустақиллик берган улкан имкониятқи, бу жиҳатни дунёга кўз-кўз қилсак аризийди: "Сўнги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан ортиқ сузиш ҳавзалари қурилган ва реконструкция қилинган, бугунги кунда икки миллион фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётган ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қондасига айланиб бораётганлиги" ёш авлодининг чинакам бахтидан далолатдир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида

БОРХЕСГА ТАҚЛИД ҚИЛМАНГ

Агар мен ўзимнинг учта принципларини ёзувчининг яхлит бир услуби сифатида баён этадиган бўлсам, бу қуйидагича:

1. Вужудингда баҳор тошқинларидай куч-қувватни ҳис этмагунингча кут. Шундай бўлгач, таълим ёза бошла.
2. Доимо, худди муқаддас сирдай, ўзгаларга бегона бўлган ўзингнинг тасаввур оламинини асра.
3. Ҳар доим имкон қадар ҳаётга ҳар икки томондан теран назар ташлашга интил. Бироқ кўнгли қўзи, бу тийрак, четга чалғимайдиган фикрли нигоҳ, ақлнинг бу чирроғи ҳеч қандай таъсирларга берилмасин.

Эллен ГЛАЗГОУ

Ёзган китобларимдан кўзда тутилган мақсад — ойина яратиш; токи унга қараб одамлар ўзини танисин. Менинг ёзганларим қандай фойда ёки зиён келтириши ойнада акс этган образга қараган одамда қандай ҳолатни юзага келтиришига боғлиқ.

Эрскин КОЛДУЭЛЛ

Ёзувчининг вазифаси инсоният учун янги ҳаёт қарашни ишлаб чиқишдан иборат бўлмоғи керак. У доимо саволлар бериб турмоғи зарур. У мутлақо шубҳа уйғотмайди, нарсаларни шубҳа остига олиши лозим. Қадим юнон Республикаси ҳақиқатан ҳам республика бўлганимиди? Жефферсон демократияда ёки қулдоримиди? Биз яшаётган дунё инсоният яратишга қодир бўлган энг яхши дунё, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Ҳаёт, бугунгидан кўра каттароқ ва теранроқ мазмун-моҳиятга эга бўлмоғи керак.

Жон Оливер КИЛЕНЗ

Ҳозирги "жиддий" романаписларнинг қарийб барчаси — университетларни битирганлар. Университетларда эса, одатда, Беккетга, Пинтерга, Кафкага, Гессега, Борхесга эргашиб, тақлид қилишга ўқитишади. Бундай таъсирнинг натижасида ўзига хос адабиёт юзага келди — унинг персонажлари жонли муҳитдан мосуво, ўтмиши йўқ, бирор-бир ижтимоий, этник гуруҳга, синфга, ҳатто қайсидир миллатга ҳам мансуб эмас.

Том ВУЛФ

Қиёслаш ва таҳлил — танқиднинг энг муҳим қуроллари... Албатта, ўз-ўзидан аёнки, айнан бу қурол-аслаҳалардан ва уларни ишлатишда эҳтиёткорлик зарур; уларни, дейлик, инглиз романида жирафа неча марта тилга олинишини аниқлаш учун ишлатмаслик керак. Нимани нимага қиёсланиш ва қандай асарни таҳлилга тортишни билиш даркор.

Томас ЭЛИОТ

Китобхон роман тарихини бир эслаб кўрсин: қадимги Юнонистонда сафарлар, кезиб юришларни ҳикоя қилувчи қиссаларгина бўларди. Улар "тератологиялар" деб аталарди. Агар биз эллан маданиятида романинг бошланмаларини қидириб топишга уринсак, бу — Афлотуннинг диалоглари ва маълум даражада комедиялар бўлади. Эпосга қарама қарши ўлароқ, роман ҳаммаша замонавий ҳаёт билан алоқадор бўлади. Эпик қисса доимо мифологик қадимият асосига қурилган бўлади; эпос — ривоятдир.

Хосе ОРТЕГА-И-ГАССЕТ

Абдураззоқ ОБРЎЙ

КИЙИМ КИЙМАЙМАН...

ЎЗИНГНИ
ЭХТИЁТ ҚИЛ

Пойинга кўнса бир гард,
Ранги-рўйим булур зард.
Омон бўл, чекмаги дард,
Ўзингни эҳтиёт қил!

Мурод КАЛОНХОННИНГ
«Ўзингни эҳтиёт қил» шеъриндан.

Чархлаб олгил болтангни,
Кийиб юргил пальтонгни,
Ташлама гап халтангни,
Ўзингни эҳтиёт қил.

Уста ҳў у чақува,
Ишонма ҳеч ҳам қува,
Ювинма совуқ сува,
Ўзингни эҳтиёт қил.

Фильтр чек чекишганда,
Қочиб кет тепишганда,
Дока тақ — ўпишганда,
Ўзингни эҳтиёт қил.

Ема ўрик қоқидан,
Кўп ичмагил оқидан,
Эркаларнинг тоқидан,
Ўзингни эҳтиёт қил.

МАТН

Кеча бағримда эдинг,
Яна соғиндим, яна.

Аҳад ҚАЮМНИНГ
«Яна соғиндим» шеъриндан.

Тортиб қўйдим бурнимни,
Яна соғиндим, яна.
Йиғмай туриб ўримни,
Яна соғиндим, яна.

Кўрсам эди онангни,
Яна соғиндим, яна.
Шу яширган танангни,
Яна соғиндим, яна.

Бу туйғуни деманглар,
Хонандага доирлар.
Ҳаммасига айбдор,
Аҳад деган шоирлар.

Бўлди, бас, нуқта қўяй,
Балогардон хотин-да.
Айтаверди борини,
Не бўлса ҳам матн-да!

БЕАНАНИНГ
УЙИ ҚАЙДА?

Уси бор чаёнинг ҳам, морнинг ҳам,
Қондаги лочин, бургут, сорнинг ҳам.

Абдулҳай СОБИРОВНИНГ
«Кимнинг қалбда бўлмаса олов»
шеъриндан.

Пародия

Қалдирғочлар лойдан уй қурган, жўра,
Абдулҳай акамлар қўрганлар, зўр-а!

Қуртларга бошпана дарахт қовуғи,
Катакда қўшнинг хўроз, товуғи.

Бошинг қичишса гар сочи яхши тит,
Каллага ин қўрган қонхўр митти пит.

Баъзилар билмайди, ҳали бола-да,
Эшакнинг ётоғи оғилхонада.

Бедананинг уйин қайдан биламан,
Шу шеърни ёзгандан сўраб кўраман.

ҚАЙГА
ЧОПАЙИН?

Тонг отмайди сени кўрмасам,
Кун ботмайди сени кўрмасам.

Искандар РАҲМОННИНГ
«О, дилдор...» шеъриндан.

Кийим киймайман, сени кўрмасам,
Тилим тиймайман сени кўрмасам.
Сени кўрмасам овқат емайман,
Сени кўрмасам ишни демайман.

Айт, қаерларда кезиб юрибсан,
Наҳотки мендан бегиб юрибсан.
Ётаверайми шунақа қилиб,
Ўзингни кўрсат, бир бало қилиб.

Ишга бормасам, ойлик қаерда,
Ётиб ейишга бойлик қаерда?
Ёски-тускини сотиб бўлганман,
Тушган пуллари отиб бўлганман.

Қайга чопайин, сени кўрмасам,
Қайдан топайин, сени кўрмасам.
Айтиб кетгин-да борар жойингни,
Безовта қилдим ҳатто ойнингни.

Кийим киймайман, сени кўрмасам,
Тилим тиймайман, сени кўрмасам.
Сени кўрмасам, хафа бўламан,
Сени кўрмасам, очдан ўламан.

ШЕЪРНИНГ
ТУҒИЛИШИ

Куйлар бақирок хўроз
Ку-ку.

Мусичалар жўровоз
Ку-ку.

Дилшод РАҲАБНИНГ
«Таниш товушлар» шеъриндан.

Дарвозага тош отиб кўр,
«Тақ» этади.
Ёнғоқни ёнғоққа ур,
«Шақ» этади.
Йиғит қиз-ла ўпишса,
«Чўп» этади.
Дилшод РАҲАБ эшитса,
Шеър битади.



ЎЗИ СОҒНИНГ — СЎЗИ СОҒ

— Гарчи ёшингиз уч кам саксонга яқинлашган бўлса ҳам, мана, ишляясиз, тетиксиз...

— Сабаби нима демокчисиз-да. Жуда кўп пиёда юраман. Кексаликка қарши курашининг энг самарали воситаси доимо ҳаракатда бўлишда. Соғлиғимга зарар келтирадиган нарсалардан воз кечганман. Машинам бўлса ҳам 7-8 қақирим йўлда пиёда юраман. Ҳеч қандай дори-дармон доимо ҳаракатда бўлишдан олинандиган самарани беролмайди. Ҳаракатда бўлиш бу саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг оддий усули. Кам ҳаракатли турмуш тарзи, яъни нотўғри овқатланиш, ҳиссий зўриқишлар, кўп вақтни компютер ёки телевизор олдида ўтказиш саломатликни заифлаштиради. Донишмандларимиздан бири: «Узоқ муддатли жисмоний фаолиятсизлик инсон организмни қувватдан қолдириб, вайрон этади», деган. Дарҳақиқат, касалликларнинг келиб чиқишига бош сабаб айнан кам ҳаракатликдир.

— «Узоқ умр кўришни истасанг югур, соғлом бўлай десанг югур, қоматинг чиройли бўлиши учун ҳам югур». Шифокорлар ва спорт мутахассислари жисмоний тарбия машқларидан бири — югуришга ана шундай таъриф беришади...

— Танадаги ҳар бир аъзога ўз вақтида машқ зарур. Масалан, юракка мушаклар ёрдам беради. Мушакларни чиниқтириш учун югуриш билан мунтазам шуғулланиш керак. Югуриш жараёнида юрак-қон томир тизими, нафас олиш органлари иш фаолияти фаоллашади, коронар артериялар кенгаяди, машғулотлардан

«Бахт, энг аввало, соғлиқ демакдир. Зеро, соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, унинг ён-атрофидагилар учун ҳам буюк неъмат. Чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат бор, на ҳаловат бўлади». Ёзувчилар уюшмасининг пойтахтдаги поликлиникасида юқумли касалликлар бўйича гепатолог шифокори, доцент Хусан Ҳайдаров мулоқотимиз бошидаёқ ўзининг қандай суҳбатдош эканини ушбу фикрлари билан аниқлаштириб қўйди. Салкам саксон ёшга яқинлашган дарёдил шифокор олдида келган ҳар қандай шифоталаб бемор билан суҳбатни, аввало, соғлиқ ҳақидаги қизиқарли ўғитлар, ривоятлар, фикрлардан бошлади. Хусан ака билан бугунги суҳбатимиз ҳам соғлом бўлишнинг оддий, лекин олтин қоидалари ҳақида.

кейин мушакларда капиллярларнинг (майда қон томирчалари) сони ортади. Ва табиийки жигарда қон айланиши яхшиланади. Бундан ташқари, югуриш мия ва асаб тизимига ижобий таъсир қилиши қайд этилган. Спортнинг ҳар қандай тури менимча инсонни нафақат жисмонан чиниқтиради, балки иродасини ҳам тоблайди. Аммо биз ҳар доим ҳам спорт билан шуғулланишга имкон топавермаймиз. Югуришнинг ўрнини босадиган пиёда юриш ҳам худди югуришдаги самарани беради.

Биласизми, ҳар бир одам энгил атлетика билан шуғулланиб туриши керак. Энгил атлетикани

— Аслида инсон соғлом турмуш тарзига риоя қилса, касаллик яқинлашмайди, дори-дармонга ҳам ҳожат қолмайди. Муолажа жараёнида оладиган барча дори-дармонларингиз, аввало, жигарга оғирлиқ туширади. Яъни бирор касаллигингизни даволаш асосида жигарингизни зўриқтириб қўйишингиз мумкин. Ва энг қизиғи жигарнинг

Умрзоқлик сирлари

аҳволи оғир бўлишига қарамасдан сизни ҳеч қачон оғриб безовта қилмайди. Шунинг учун кўпинча жигари хаста одамнинг аҳволи бирдангина оғирлашади.

Инсоннинг доимо соғ-саломат бўлиши ўз қўлида, яъни саломатлик у билан ёнма-ён — дорихона ва касалхонадан ҳам яқин. Айтайлик, уйдаги ва ишхонадаги ойналарингиз очилади. Қишин-ёзин тоза ҳавода уланг. Ётоғингизда спорт билан шуғулланадиган кичик гантелларингиз, сакрайдиган аргимчоғингиз бўлсин. Улар билан ҳар куни икки марта терга тушгунча шуғулланиб, аргимчоқда чарчаганингизга сакранг. Кўчага чиқиб ярим соат югуришдан вақтингизни аяманг. Кофе, сигарет, нос чекишга ҳам шу вақтингизни сарфлашмасиз. Шифокорлар «Нонушта қилиш учун ҳам аввал тер тўкиш керак», деб бежиз айтмайди. Хафтада бир кун музлатиш ва ошхонани унутсангиз организмнингиздаги барча касалликлар ўзини ўзи ейди. Яъни, бунинг очлик билан даволаниш десаям бўлади. Ҳар бир одам, аввало, иммунитетни кўтартириш керак. Иммунитети бақувват одам турли хил юқумли касалликларни тез енғади ёки умуман юқирмайди. Масалан, оддийгина тумов ва грипп мавсуми бошланганда баъзи одамлар узоқ вақт даволанади, баъзиларда энгил ўтади, айрим одамлар эса ушбу хасталиклар билан оғирмайди. Бундай одамлар чиниққан бўлади.

Дарҳақиқат, жисмонан бақувват одамгина бахтли ва гўзал ҳаёт кечиради. Шундай экан, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, яъни спорт билан мунтазам шуғулланиш, кўп ҳаракатда бўлиш, ноҳуш одатлардан воз кечиш соғлом ҳаёт кечиришни хоҳлаган ҳар бир одамнинг кундалик турмушдан мустаҳкам ўрин олмоғи лозим.

Барно СУЛТОНОВА

Умида АБДУАЗИМОВА

КЎЗГҮ

— Оёқ-қўлинг шилинган,
Назар солгин ўзинга.
Ахир юрсанг бўлмасми,
Бундай қараб кўзинга.

— Кўзингга қараб юр, деб
Қизиқ гап айтдингиз-ку.
Бунинг учун энди мен
Олиб юрайми кўзгү?

БОТИР БОЛА

Телевизор минорига
Чикиб варрак учирганман.
Ҳайвонот боғига филни
Ҳиндистондан кўчирганман.

Футбол ўйнаб тўп тепгандим,
Самолёт ўтиб кетган.
Кубиклардан уй қургандим,
Вертолёт ўпиб кетган.

Болалар бекати

У қирғоқдан бу қирғоққа
Делфин миниб ўтганман.
Қармоқдамас, қўлларимда
Лаққа балиқ тутганман.

Яна қанча иш қилганман,
Айтаверсам вақт етмас.
Лекин лолман, сўзларимни
Ўртоқларим рост демас.

Ишонмаса ишонмасин,
Бир кун рост, деб қолишар.
Вақти келиб қимлигини
Улар билиб олишар.

Республика Сатира театри жамоаси
театр актёри

Шерзод ЮНУСОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг
оила аъзолари ва яқинларига чуқур
таъзия изҳор этади.

Журналларни варақлаганда

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2015 йил, июл ойи сон

Муштарийларга маълумки, журналнинг январ сонидан бошлаб Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонининг шўро даври мафқураси та-

жима қилган Мишель Бюторнинг “Мўъжазгина кўзгучалар” ва Пьер Грлариннинг “Бир жуфт бошмоқ” ҳикояларини тақдим этган. Умуман,



“Глобус” руқнинг “Болалар дунёси”га бағишланган саҳифалари ҳам таржималар савияси, ҳам асарларнинг танлинишига кўра алоҳида эътирофга лойиқ.

Атоқли рус адаби Иман Буниннинг “қисқа ҳикоялар”и аслида насрдаги кичик асарлар бўлиб, алоҳида жанр ҳисобланади. Уларнинг мавзуси ҳам, шакли ҳам турли-туман.

Ана шундай ҳикояларнинг бир нечаси Дилдорахон Алиева таржимасида босилган.

“Адабиётшунослик. Фалсафа” руқни остида Ф.Старринг “Американи ким кашф этган?” (инглиз тилидан М.Сайдумаров таржимаси), Н.Журавнинг “Ўзликни англаш фалсафаси”, М.Эпштейннинг “Юсак поэзия ва Алл одам” (рус тилидан Фахрид таржимаси) мақолалари эълон қилинган. М.Отабоевнинг Алиса ҳақидаги машҳур эртақлар муаллифи Льюис Керролл, С.Ражабовнинг “япониялик Дисней” Хаяо Миядзак ҳақидаги мақолаларини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Ҳ.Пўлатовнинг “Херируд фарёди” ва Й.Гордернинг “Апельсин қизи” киссалари давоми ҳам журналнинг ушбу сонидан берилган.

Тарвуз ширин эканми?..



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.21

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4361 Буюртма S — 3503. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Тақсиротлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ

ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ

ЭРИН.

ISSN 2181-614X

7 7 2 1 6 1 6 3 4 0 0 0